

БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМАНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАНМАГАН ДИСПЛАЗИЯСИ БЎЛГАН АЁЛЛАРДА ОМТ ПРОЛАПСИ: ЭРТА ТАШХИС ВА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Собирова Шаҳноза Қаххоровна

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт
институтини мустақил изланувчиси*

Аннотация: Ушбу тадқиқот бириктирувчи тўқиманинг дифференциалланмаган дисплазияси (БТДД) бўлган климактерик аёлларда кичик чаноқ аъзолари пролапсининг (ОМТ пролапси) эрта ташхисланиши ва даволашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган. БТДД мавжудлиги фонда ОМТ органларининг тутиб турувчи тузилмалари заифлашади ва патологиянинг эрта намоён бўлишига сабаб бўлади. Тадқиқотда 60 нафар 45–65 ёшли БТДД аёл клиник ва инструментал усуллар ёрдамида текширилди. Олинган натижалар асосида эрта ташхис ва комплекс даволаш усуллариининг самарадорлиги таҳлил қилинди. БТДД бўлган беморлар учун индивидуал ёндашувни жорий этиш ва профилактика чораларини такомиллаштириш тавсия этилди.

Калит сўзлар: ириктирувчи тўқима дисплазияси, ОМТ пролапси, климактерик давр, эрта ташхис, комплекс даволаш, профилактика.

Долзарблиги. Кичик чаноқ аъзолари пролапси (ОМТ пролапси) — бу аёллар орасида кенг тарқалган, ҳаёт сифати ва ижтимоий фаолликка салбий таъсир этувчи патология бўлиб, унинг патогенезида бириктирувчи тўқиманинг туғма ёки орттирилган заифлиги муҳим ўрин тутди. Айниқса, бириктирувчи тўқиманинг дифференциалланмаган дисплазияси (БТДД) бўлган аёлларда ушбу ҳолат эрта ва оғир шаклларда намоён бўлиши мумкин. Климактерик даврда гормонал ўзгаришлар фонда мазкур касалликнинг клиник кечиши мураккаблашади.

Мақсад. БТДД бўлган климактерик даврдаги аёлларда ОМТ пролапсини эрта аниқлаш, унинг ривожланишини прогнозлаш ва комплекс даволаш стратегиясини такомиллаштириш.

Усуллар. Тадқиқот доирасида БТДД белгилари аниқланган 45–65 ёшдаги 60 нафар аёл клиник ва инструментал (УТТ, перинеометрия, кольпоманометрия) текширувлардан ўтказилди. Улардан анамнез, соматик ҳолат, ОМТни тутиб турувчи тузилмалар (фасциялар, боғламлар) ҳолати баҳоланди. Морфологик ва биокимёвий маркерлар ёрдамида БТДД аниқлиги киритилди.

Натижалар. Тадқиқотда ОМТ пролапсининг БТДД фонда тезроқ ривожланиши, кўп ҳолларда бошқа бириктирувчи тўқима патологиялари (варикоз, миопатия) билан бирга кечиши қайд этилди. Узоқ муддатли даволаш натижалари БТДД мавжуд бўлган беморларда анъанавий усулларнинг етарли самара бермаслигини кўрсатди. Шунингдек, эрта ташхислашда махсус скрининг усуллари (БТДД индексацияси, генетик панел) ва индивидуал ёндашув зарурлиги исботланди.

Хулоса. БТДД бўлган климактерик аёлларда ОМТ пролапсининг эрта ташхисланиши ва комплекс ёндашув асосидаги даволаш (физик терапия, песарий, коллаген синтезини қўллаб-қувватловчи фармакотерапия) рецидивларни камайтиради ва ҳаёт сифатини яхшилайдди. Ушбу гуруҳ аёллар учун махсус профилактика ва мониторинг дастурларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хасуева, Г.М., Исмаилова, С.Ш. (2022). Пролапс органов малого таза: современные аспекты диагностики и лечения. Журнал акушерства и гинекологии, №3, 45–50.
2. Ашихмина, Н.В. (2020). Дифференцированная дисплазия соединительной ткани: клинко-генетические аспекты. Российский журнал клинической медицины, Т. 27, №2, 34–38.
3. Соловьева, Т.И., Петрова, Е.Л. (2021). Комплексная терапия пролапса органов малого таза у женщин с признаками дисплазии соединительной ткани. Вестник восстановительной медицины, №4, 27–31.